

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**АРОЕВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ**

**ҲАРАКАТИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ-АЙИРМАЛИ ТЕНГЛАМАЛАР  
СИСТЕМАСИ БИЛАН ИФОДАЛАНУВЧИ САНОАТ РОБОТИНИ  
МАҚБУЛ БОШҚАРИШ УСУЛИ**

05.01.02–Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ароев Дилшод Давронович**

Харакати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан  
ифодаланувчи саноат роботини мақбул бошқариш усули ..... 5

**Ароев Дилшод Давронович**

Оптимальный метод управления движением промышленного робота,  
описываемым системой дифференциально-разностных уравнений..... 23

**Aroev Dilshod Davronovich**

An optimal method for controlling the motion of an industrial robot  
described by a system of differential-difference equations..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published orks..... 46

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**АРОЕВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ**

**ҲАРАКАТИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ-АЙИРМАЛИ ТЕНГЛАМАЛАР  
СИСТЕМАСИ БИЛАН ИФОДАЛАНУВЧИ САНОАТ РОБОТИНИ  
МАҚБУЛ БОШҚАРИШ УСУЛИ**

**05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1293 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифада ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Опорбоев Баҳодиржон Очилбоевич  
техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Мухамедиева Дилноз Тулкиновна  
техника фанлари доктори, профессор.

Якубжанова Дилфуза Кодировна  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори.

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат  
институтини

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» январь соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «1» январь да тарқатилди.  
(2021 йил «1» январь даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Хамдамов  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., проф.

Ф.М.Нуралиев  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доц

А.В.Қобулов  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибасидан маълумки, деярли барча техник системалардан самарали фойдаланиш учун уларни маълум мақсад сари бошқаришга тўғри келади. Уларнинг ҳаракатини математик моделлаштиришда моделлари дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи бошқарув функциясига боғлиқ бўлган системаларга олиб келинади. Бу системалар ичида чизиқли дифференциал тенгламалар системасининг дифференциал-айирмали кўриниши эътиборга молик.

Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларни бошқаришда бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш, бу бошқарув объектларида содир бўладиган жараёнларни тезлаштириш ва уларга сарф бўлувчи энергетик ресурсларни тежаш демакдир. Бу эса амалий томондан, ишлаб чиқариш объектларининг катта қисмининг ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланиши, назарий томондан, ҳаракати ушбу дифференциал тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларни бошқариш усулларини такомиллаштириш «Бошқариш назарияси»га муҳим ҳисса бўлиб кўшилиши ҳозирги кундаги молиявий-иқтисодий долзарб вазифалар қаторига киради.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, «Бошқарув назарияси» ни ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг эффектив механизмларини яратиш масалаларига оид муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларга доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, кечикишга оид объект тушунчасининг тўла шарҳи биринчи бўлиб XX аср саноат роботлари 20-йилларининг бошларида Л.Эльсгольц ва В.Хан ишларида қайд қилинган. Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларни бошқариш бўйича эса биринчи бўлиб Евклид фазосида Л.Вейс нуль бошқарилувчанлик билан тўла бошқарилувчанликнинг устма-уст тушишини ўз ишларида келтирган. Л.Вейс барча ностационар системалар нуқтали тўла бошқарилувчан эмаслигини исботлаган ва ҳаракати чизиқли дифференциал-айирмали стационар системалар билан ифодаланувчи объектларни нуқтали тўла бошқарилувчанлиги ҳақидаги гипотезани олдинга сурган бўлсада, кейинчалик А.Зверкин ва В.Попов Л.Вейс гипотезасини инкор қилувчи мисоллар тузган. Охириги 10 йилликда, бу йўналишда А.Коробов илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва керакли натижаларни олган бўлсада, ҳаракати чизиқли стационар дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларни бошқаришда бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш масаласи устида илмий изланишлар олиб бормаган.

Ўзбекистонда В.Қ.Қобулов, Н.А.Мўминов, О.М.Набиев, Х.З.Игамбердиев, З.З.Шамсиев, Ш.Й.Пулатов, Б.О.Онорбоев ва бошқа олимлар автоном бошқарилувчи тизимларни мақбул бошқариш моделлари ҳамда бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар ва қўшиб келмоқдалар.

Ҳаракати чизиқли стационар дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат роботининг мураккаб фазовий операциясини амалга оширишида бошқарув функциясининг параметрлари сонини мақбуллаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммукацион технологиялари илмий-инновацион марказининг Лойиха А-5-008 “Технологик машинларнинг ишчи органлари ҳаракатини ва уларни тайёрлаш жараёнларини бошқаришнинг дастурий-алгоритмик воситаларини ишлаб чиқиш” (2015-2017), Лойиха КА-3-017 “Валли технологик машиналарнинг юқори унумдор, ресурстежамкор қурилма ва механизмларини ишлов берилаётган материал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва яратиш” (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ҳаракати чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектларни бошқаришда бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш орқали саноат роботларига татбиқ қилиш билан унинг иш унумдорлигини оширишнинг математик моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

автоном бошқарилувчи тизимларнинг мавжуд бошқариш моделларини таҳлил қилиш;

ҳаракати чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчини кечикишга оид объектларнинг бошқарув функциясининг параметрлари сонини мақбуллаштириш моделини ишлаб чиқиш;

ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектлар синфига кирувчи робототехник тизимлар учун бошқарув функциясинг параметрлари сонини мақбуллаштириш моделини ишлаб чиқиш;

ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи робототехник тизимлар ҳаракатини турғунликка текшириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кечикишга оид объектлар синфига кирувчи саноат роботлари ҳаракати қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** саноат роботлари ҳаракатини оптимал бошқариш учун хизмат қиладиган модел, алгоритм ва дастурий воситалардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, дифференциал тенгламалар, алгебра ва сонлар назарияси ҳамда оптимал бошқарув назарияси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳаракати чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли объектларни бошқаришнинг мақбуллаштириш модели ишлаб чиқилган;

ҳаракати чизиқли узлуксиз дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат роботлари ҳаракатини бошқаришни мақбуллаштириш мумкинлиги исботланган ва мос бошқариш модели ишлаб чиқилган;

ҳаракати чизиқли узлуксиз дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат работи ҳаракатини бошқаришда бошқариш функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш модели ва ечишнинг умумий алгоритмлари ишлаб чиқилган;

саноат роботлари ҳаракатини ифодаловчи тенгламалар турлари бўйича асимптотик турғунликка текшириш учун ёндашув ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат работи ҳаракатини моделлаштириш ва бошқарув

масалаларини такомиллаштириш учун математик моделлар ҳамда уларнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган:

ҳаракати чизикли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектларнинг бошқарув функциясининг параметрлари сонини мақбуллаштириш модели ишлаб чиқилган;

ҳаракати чизикли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларнинг кузатувчанлиги ўрганилган;

ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат роботлари учун бошқарув функциясининг параметрлари сонини мақбуллаштириш модели ишлаб чиқилган;

ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат роботлари ҳаракатини турғунликка текшириш учун ёндашув ишлаб чиқилган;

саноат роботларининг мураккаб фазовий манипуляция операциясини амалга оширишида позицион аниқликни ошириш масаласи кўрилган;

назарий натижалар олти звеноли саноат роботида қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишининг ишончлилиги ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектларни бошқаришда бошқариш функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш орқали саноат роботларига татбиқ қилиш билан унинг иш унумдорлигини оширишнинг математик моделларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни назарий асослаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти – ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектларни бошқаришда бошқариш функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш моделини, уни саноат роботларига қўллаш мумкинлигини ва мос бошқариш моделини ҳамда робот ҳаракатини турғунликка текшириш моделини назарий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти – назарий натижалар асосида ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий воситадан, нафақат робототехник тизимларга, балки ишлаб чиқаришнинг ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектлар учун тезкорликни ошириш, ҳаракат учун зарур бўлган энергетик ресурсларни тежашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Саноат роботи ҳаракатини тадқиқ этиш мақсадида яратилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида:

бошқарув функциясининг параметрлари сонини мақбуллаштириш моделлари ва алгоритмлари «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технолик маркази» МЧЖда деталларга турли ишлов беришга мўлжалланган марказ билан жиҳозланган роботлаштирилган технологик мажмуада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси



«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2019 йил 13 ноябрдаги №04-10/1972-сон маълумотномаси). Натижада роботлаштирилган технологик мажмуада саноат роботини бошқариш жараёнида кечикиш ҳолати ва саноат роботи фазовий манипуляция операциясини бажаришида робот эркин ўзгарувчиларининг ортиқчалиги кузатилди. Бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш орқали саноат роботларига татбиқ қилиш ушлаш қурилмасининг тезлигини 11.5 мм/с, тезланишини эса 5 мм/с<sup>2</sup> га оширишга хизмат қилади;

ишлаб чиқилган модел ва алгоритмлар «Integral avtomatika servis» МЧЖда деталларга турли ишлов беришга мўлжалланган марказ билан жиҳозланган роботлаштирилган технологик мажмуада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг 2019 йил 13 ноябрдаги №04-10/1972-сон маълумотномаси). Натижаси роботлаштирилган технологик мажмуада саноат роботининг 5-звеноси ва ушлаш қурилмасининг бошқарув функцияси параметрлари сонини 2тага камайтириш имконини берган ҳамда технологик жараёнларни бошқаришда материал-энергия ресурслар сарфини 10% камайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича асосий илмий натижалар жами 11 та илмий ишда нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида чоп этилган ҳамда 1 та электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 100 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Харакати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларни бошқаришнинг ҳозирги замон ҳолати. тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида автоном чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси

билан ифодаланувчи кечикишга оид объектлар классификация қилинган. Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид бошқарилувчан объектларни бошқаришнинг мавжуд фундаментал ва амалий тадқиқот ишлари атрофлича таҳлил қилинган. Кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфини характерловчи саноат роботи (СР)ни яратиш ва ишлаб чиқаришга самарали қўллаш бўйича назарий ва амалий натижаларининг таҳлили келтирилган. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи СР ҳаракатини бошқаришда қуйидаги камчилик ва бўшлиқлар борлиги аниқланди:

1. Маълумки, СРнинг динамик ҳаракати Лагранжнинг II тур, Ньютон-Эйлер, Д'Аламбер, Гаусс, Аппель ва Кейн тенгламалари ёрдамида ифодаланади ва бу тенгламаларни ўзига хос бир қанча ечиш усуллари мавжуд. Бу тенгламаларни ечишда номаълумлар сонига нисбатан тенгламалар сони икки баробар кўпайиб кетади. Бу эса СРнинг фазовий мураккаб ҳаракатида оптимал траекторияни ягона эмаслигини билдиради. Қарор қабул қилувчи шахс мос траекторияни танлашда бир тўхтамга кела олмайди. Натижада, СРнинг ташқи муҳит предметлари билан тўкнашиши оқибатида жараён тўхтайдди. СР эса ишчи қўли тузилмасини ўзгартиради. Бундай ҳоллар СР кинематик занжирида ортиқча боғлиқликларни келтириб чиқаради. Бу эса бошқа ечим қабул қилишни ва қўшимча изланишларни келтириб чиқаради.

2. СРни оптимал бошқариш учун унинг ҳаракатини ифодаловчи 1-банддаги трапеция кўринишидаги тенгламалар системаси коэффициентларини ҳисоблашлардаги хатоликлар ва алоқа каналларидаги тўсиқларни ҳосил бўлиши робот звеноларини белгиланган вақтдан кечикиб ҳаракат қилишига ва технологик операция учун сарф бўладиган умумий вақтни ортишига олиб келади. Бундан ташқари, робот ҳаракатида турғунликни пасайишига ва унинг ишини ёмонлашувига сабабчи бўлади.

Кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли бўлган СРнинг кинематик ҳаракати қуйидаги тенгламалар системаси билан берилган бўлсин:

$$\dot{x}(t) = Ax(t-h) + Bu(t) \quad (1)$$

бу ерда  $x = x(t) - n$  – ўлчовли системанинг  $t$  вақтдаги ҳолат вектори;

$A$  – системанинг фазовий ҳолатини ифодаловчи  $(n \times n)$  – ўлчовли ўзгармас матрица;

$B$  –  $(n \times m)$  – ўлчовли ўзгармас матрица;

$u(t)$  –  $(1 \times n)$  – ўлчовли бошқариш функцияси,  $h > 0$ ,  $t_0 \leq t \leq T$ .

СР ҳаракатини ифодаловчи коэффициентларни ҳисоблаш вақтларини ва белгиланган операциянинг умумий бажарилиш вақтини камайтириш мақсадида (1) тенгламалар системасига қуйидагича масала қўйилган бўлсин:

(1) система билан ифодаланувчи объектларнинг бошқарув функциясининг параметрлари сонини мақбуллаштириш орқали системани тўла бошқарилувчанлигини таъминлаш мумкинми?

Яъни, математик тилда  $f : R^1 \times R^n \times R^k \rightarrow R^n$  ( $f$  – узлуксиз функция)ни таъминловчи шундай  $v(t) \subset R^k \subset R^n$  – бошқариш функцияси мавжудми?

Масала шарт сифатида қуйидагилар олинади: 1) тизим чизиқли дифференциал-айирмали тенглама кўринишида; 2) тизим чекли ўлчовли.

Агар қўйилган масалалар ижобий ҳал қилинса, назарий ва амалий томондан қуйидаги афзалликларга эга бўлинади:

1. Автоном бошқарилувчи системалар, хусусан ҳаракати чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларни оптимал бошқаришда бошқарув функциясининг параметрларини мақбуллаштириш моделини ишлаб чиқиш “Бошқариш назарияси”нинг бошқарилувчанлик ва кузатувчанлик бўлимига назарий томондан муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

2. Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектлар, хусусан СР ҳаракатини оптимал бошқариш учун бошқарув функциясининг параметрларини мақбуллаштириш моделини ишлаб чиқиш билан роботларга қўйилувчи тезкорлик, энергоресурслар сарфини тежаш ва минимал ишлаб чиқариш майдонидан фойдаланиш каби иқтисодий мезонларининг бажарилишини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларнинг бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида автоном бошқарилувчи системалар, хусусан ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектлар учун тўла ва нисбатан бошқарилувчанлик тушунчалари келтирилган. СР ҳаракати ифодаловчи динамик тенгламалар ва уларнинг ечиш алгоритмларининг таҳлиллари келтирилган. Ҳаракати чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектларни бошқаришда бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш модели ишлаб чиқилган. Автоном бошқарилувчи тизимларнинг ва уларнинг дифференциал-айирмали ҳоли учун кузатувчанлик хоссаси таҳлил қилинган ва камчилиги аниқланган. Чизиқли системаларнинг тўла ва нисбатан кузатувчанлик тушунчалари келтирилган.

Ҳаракати (1) тенглама билан ифодаланувчи объектларнинг бошқарув функцияси параметрлари сонини камайитиришдан аввал, нуқтали бузилган ҳолат координаталар системасини қайси йўналишида эканлигини аниқлаш зарур.

Агар бузилган йўналишни аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда ҳаракати (1) тенгламалар билан ифодаланувчи объектларни бошқаришда ва параметрлар оптималлигини таъминлашда муаммоли масалалар келиб чиқади.

Бузилган йўналишни аниқлаш учун  $R^n$  да шундай  $r = (a, b, c, d)$  вектор мавжудки, агар  $q^* r = 1, q^* e^A r = 0, q^* e^A A r = 0, q^* e^A A^2 r = 0, B = AZ - ZA$ , бу ерда  $Z = r q^* e^A$  тенгликлар бажарилса, у ҳолда (1) тенгламалар системаси  $q$

йўналиш бўйича бузилган ҳисобланади. Бундан ташқари, танланган  $r = (a, b, c, d)$  вектор учун  $(A, r)$  жуфтлик тўла бошқарилувчи бўлади.

Юқоридаги масалани ҳал қилиш учун икки томондан қарашга тўғри келади. Биринчи-мавжуд ишлаб турган системани бошқаришда бошқариш функцияси параметрларини камайтириш учун ёндашув ишлаб чиқиш, иккинчи-бузилган йўналиш аниқланиб, сўнгра тиклаш тенгламаси ёрдамидан фойдаланиб, бошқариш функцияси параметрларини камайтириш учун ёндашув ишлаб чиқиш зарур.

1. Биринчи масалани ҳал қилиш учун ёндашув ишлаб чиқишга тўхталамиз.

Система  $q kh$  вақтда нуқтали бузилган бўлиши учун шундай  $P, V$  матрицалар ва  $v$  вектор мавжудки, улар учун қуйидаги тенгликлар бажарилиши керак:

$$PA_k = 0, PB = VP, v^* P(e^{hB_k} - J_k) = 0, v^* P\bar{E}k = q^*$$

Фараз қилайлик,  $A$  матрицанинг хос сонлари  $k$  – каррали бўлсин.

$A$  матрица диагонал кўринишига келтирилган ҳамда ҳар бир диагонал матрица элементининг кўриниши мос равишда

$$J(A) = \begin{bmatrix} A_1 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & A_2 & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & A_k \end{bmatrix}; A_j = \begin{bmatrix} \lambda_j & 1 & 0 & \dots & 0 \\ 0 & \lambda_j & 1 & \dots & 0 \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ 0 & 0 & \dots & \lambda_j & 1 \\ 0 & 0 & 0 & \dots & \lambda_j \end{bmatrix} \quad (j = 1, 2, 3, \dots, k)$$

бўлсин.

$B$  матрицани  $(n \times n)$  – ўлчовгача тўлдириб, қуйидаги  $B_k$  матрица ҳосил қилинсин:

$$B_k = \begin{bmatrix} B \\ 0 \end{bmatrix}$$

Бошқарув функцияси параметрлари сонини камайтиришни таъминловчи теоремага асосан шундай  $C$  матрица мавжуд бўлиб, уни  $(n \times n)$  – ўлчовгача тўлдирилади ва қуйидаги  $C_k$  матрица ҳосил қилинади<sup>1</sup>:

$$C_k = \begin{bmatrix} C \\ 0 \end{bmatrix}$$

Юқоридагилар асосида қуйидаги теоремани шакллантириш мумкин.

**Теорема.** (1) система  $q$  нуқтада нуқтали бузилишга эга бўлсин.  $A$  матрица хос сонининг  $k$  карралигига мос  $kh$  вақтда шундай  $n$  натурал сон мавжуд бўлиб,  $(n \times k)$  – ўлчовли  $C \subset A$  матрица топилсаки,

<sup>1</sup> Онорбоев Б.О. Разработка и применение метода “К-управляемости” для оптимального управления сложными технологическими системами. Автореф. докт. диссер. Спец. 05.13.01. Ташкент, 2005. 37 с

1.  $(n \times n)$  – ўлчовли  $P$  матрица мавжуд бўлиб,  $PB_k = C_k P$ .

2.  $\dot{x} = Ax(t-h) + (BC)v$ ,  $x(t) \in R^n$ ,  $v(t) \in R^k$  тенгламалар системаси тўла бошқарилувчи бўлса, (1) система  $k$  – бошқарилувчи ( $k \leq n$ ) бўлади.

2. Иккинчи масалани ҳал қилиш учун ёндашув ишлаб чиқишга тўхталамиз.

Иккинчи масалага асосан бузилган нуқталарни тиклаш учун тиклаш тенгламасидан фойдаланилади.

Бузилган нуқталарни тиклашда (1) системасидаги  $A$  матрица  $A(t)$  вақтнинг функцияси сифатида қаралади.

Қуйидаги дифференциал тенглама тиклаш тенгламаси дейилади:

$$\dot{x}(t) = \int_{-h}^0 A(\theta)x(t+\theta)d\theta + Bu(t) \quad (3)$$

(3) тенгламадан оддий дифференциал тенгламага ўтиш учун тенгламанинг ҳар икки томонидан  $t$  вақт бўйича ҳосила олинади.

$$\ddot{x}(t) = A(h)x(t-h) + B\dot{u}(t) \quad (4)$$

бу ерда  $A(0) = 0$  деб олинади.

Агар  $u(t)$  бошқариш функциясини узлуксиз ва чегараланганлиги ҳисобга олинса, унинг  $\dot{u}(t)$  ҳосиласи мавжуд. Бундан ташқари, (1) системанинг тўла бошқарилувчанлигидан шундай  $\varepsilon > 0$  мавжудки,  $u(t)$  бошқариш функцияси учун қуйидаги ўринли бўлади:

$$|u(t)| \leq \varepsilon, \quad |\dot{u}(t)| \leq \varepsilon, \quad \dots, \quad |u^{(r)}(t)| \leq \varepsilon$$

$A(h)$  бунинг ўзгармас матрица эканлиги ҳисобга олинса ва қуйидагича белгилаш киритилса:  $\dot{u}(t) = w(t)$ ,  $A(h) = D$ .

(4) тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$\ddot{x}(t) = Dx(t-h) + Bw(t) \quad (5)$$

(5) тенгламанинг тартиби пасайтирилса,

$$\begin{cases} \dot{x}(t) = y(t) \\ \dot{y}(t) = Dx(t-h) + Bw(t) \end{cases} \quad (6)$$

Агар  $(x(t), y(t))$  система ҳолати  $-h \leq t \leq h$  оралиқда аниқланган бўлса, у ҳолда  $t > 0$  да  $u(t)$  бошқариш функцияси мавжуд бўлади.

(6) тенгламалар системаси учун юқоридаги теорема ўринли.

2-масала инвариант қисм фазолар ёрдамида ҳам бузилган нуқтани тиклаш мумкин. Унга асосан, система қаралаётган фазо “К-бошқарилувчанлик” қисм фазоларига бўлиб юборилади ва бузилган нуқта аниқланган инвариант қисм фазо топилади ҳамда хатолик тўғриланади.

Агар (1) системасининг кўриниши  $\dot{x}(t) = Ax(t-h) + Bu(t-h)$  бўлса, у ҳолда бу система учун бошқариш функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш мураккаб бўлиб, фақат бундай системалар учун тезкорлик масаласини ҳал қилиш мумкин.

Олинган натижалардан ишлаб чиқаришнинг ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи бошқариш объектлари учун тезкорликни ошириш, ҳаракат учун зарур бўлган энергетик ресурсларни тежашда фойдаланиш мумкин.

Физик нуқтаи назардан динамик системанинг барча ўзгарувчилари координаталар системаси билан боғланган ва чекли вақтда система ҳолатини аниқлаш мумкин бўлса, у ҳолда система кузатувчан бўлади. Системанинг детерминирланган ёки стохастик ҳолига қараб кузатувчанлик турлича тавсифланади.

Системанинг кузатувчанлиги системанинг бошқарилувчанлик хоссаси билан чамбарчас боғлиқ. Чизиқли тенгламалар системалар учун системанинг бошқарилувчанлик ва кузатувчанлик хоссалари унинг коэффицентларидан тузилган матрица ранги учун зарурий ва етарли шарти сифатида Кальман мезони олинади ва унга асосан матрица ранги система қаралаётган фазо ўлчови билан тенг бўлиши керак.

Худди шундай кузатувчанлик тушунчаси стохастик система ва жараёнлар учун ҳам мавжуд. У эҳтимолликни апостериор тақсимланишларининг асимптотик ҳолати ёки баҳолашни корреляцион матрицалари билан боғлиқ бўлади.

Стохастик системанинг кузатувчанлиги дискрет жараёнлар учун кузатувлар сони кўпайгани сари ва узлуксиз жараёнлар учун кузатув вақти узайгани сари эҳтимолликни баҳолаш векторининг ҳатолиги эҳтимоллик жиҳатдан нолга ёки охириги қийматига яқинлашишини кафолатлайди.

Маълумки, чизиқли детерминирланган дифференциал-айирмали тенглама билан ифодаланувчи система тўла бошқарилувчанлик хоссасини қаноатлантирсагина системанинг фазовий ҳолатини кузатиш мумкин. Лекин баъзи ҳолларда, система икки бошқарилувчан ва бошқарилмайдиган қисмларга бўлинади ёки бўлмаса, тадқиқот ишида ўрганилган системанинг бошқариш фазосини сиқиш натижасида, ҳосил бўлган система тўла бошқарилувчанлик хоссасини қаноатлантиради, лекин дастлабки системанинг кўриниши ўзгаради. Шундай ҳолларда системанинг умумий ҳолатини кузатиш мумкинми—деган саволга жавоб берилади.

Чизиқли детерминирланган дифференциал-айирмали тенгламалар системасининг умумий кўриниши куйидагича:

$$\begin{cases} \dot{x}(t) = Ax(t-h) + Bu(t) \\ y(t) = Hx(t) \end{cases} \quad (7)$$

бу ерда  $x = x(t) - n$  — ўлчовли системанинг  $t$  вақтдаги ҳолат вектори;

$A$  — системанинг фазовий ҳолатини ифодаловчи  $(n \times n)$  — ўлчовли ўзгармас матрица;

$B$   $(n \times m)$  — ўлчовли ўзгармас матрица;

$u(t)$  —  $(1 \times n)$  — ўлчовли бошқариш функцияси,  $h > 0$ ,  $t_0 \leq t \leq T$ .

$y(t)$  —  $x$  вектор ҳолатига боғлиқ  $(1 \times n)$  — ўлчовли вектор;

$H$  —  $(r \times n)$  — ўлчовли ўзгармас матрица.

Агар (7) тенгламалар системаси чекли вақтда кирувчи ва чиқувчи параметрларни тўла ифодаласа, у ҳолда (7) автоном чизиқли кузатувчи система дейилади.

Агар (7) тенгламалар системасида  $H = 0$  бўлса, тўла кузатувчан бўлмаган система ҳосил бўлади. Юқорида айтилганидек, бошқарилувчан системаларни бошқарилувчан қисми ва бошқарилмайдиган қисмига ажратиш мумкин. Лекин системаларни кузатувчанлигини аниқлашда системани иккига бўлиб бўлмайди.

(7) системанинг ҳолатини кузатиш учун аввало система тўла бошқарилувчан бўлиши керак, акс ҳолда системанинг фазовий ҳолатини кузатишдан маъно қолмайди.

Маълумки, агар (7) системада  $A$  – матрицанинг хос сонлари турли хил бўлса, яъни каррали бўлмаса, у ҳолда (7) система кузатувчан бўлади. Бундан келиб чиқадики, агар (7) система  $k$  – бошқарилувчан бўлса, у ҳолда уни тўла кузатиб бўлмайди.

Шу жумлани икки томондан қараб чиқайлик.

Демак, фараз қилайлик, (7) системада  $A$  – матрицанинг хос сонлари каррали бўлсин. У ҳолда (7) чизиқли система тўла бошқарилувчан бўлмайди. Натижада, (7) системанинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} \dot{x}(t) = Ax(t-h) \\ y(t) = Hx(t) \end{cases} \quad (8)$$

(8) система учун ўлчови  $k$  ( $0 \leq k \leq n$ ) га тенг бўлган шундай чизиқли  $U$  қисм фазо мавжудки, биринчидан -  $U$  инвариант қисм фазо, иккинчидан (7) система  $U$  қисм фазода тўла кузатувчан эмас.

(8) система тўла кузатувчан бўлиши учун  $U = 0$  бўлиши керак. Бунга мос ҳолда координаталар системаси  $\bar{x} = \begin{pmatrix} \bar{x}_1 \\ \bar{x}_2 \end{pmatrix}$  бўлиб,  $U$  қисм фазо  $\bar{x}_2 = 0$  тенглама билан берилади. (8) тенгламалар системаси эса қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{cases} \bar{x}_1 = \bar{A}_{11}\bar{x}_1 + \bar{A}_{12}\bar{x}_2, & y = \bar{H}_2\bar{x}_2 \\ \bar{x}_2 = \bar{A}_{22}\bar{x}_2 \end{cases} \quad (9)$$

(9) тенгламалар системасидан агар  $\bar{x}_1 = 0$  бўлса, у ҳолда  $k = n$  ва (9) системани кўриниши (8) система билан бир хил бўлади. Натижада, система тўла кузатувчан бўлади.

Маълумки, система кузатувчан бўлиши учун аввало, у бошқарилувчан бўлиши керак. Бу эса юқоридаги (7) системада  $A$  – матрицанинг хос сонлари каррали бўлмаса, бошқарилувчан бўлмайди – деган фикрга зид.

Иккинчи томондан теоремада берилган

$$\dot{x} = Ax(t-h) + (BC)v, \quad x(t) \in R^n, v(t) \in R^k$$

система (7) системага ўхшаш.

Равшанки, (7) система кузатувчан система бўлиши учун унга ўхшаш бўлган

$$\dot{x} = Ax(t-h) + (BC)v, \quad x(t) \in R^n, v(t) \in R^k$$

система тўла бошқарилувчан бўлиши керак.

Система тўла бошқарилувчан бўлиши учун эса Кальман мезони бажарилиши керак. Бу эса юқоридаги (7) тенгламалар системаси тўла кузатувчан бўлиши учун  $A$  матрица хос сонлари каррали бўлмаслиги керак–деган фикрга зид. Бу зиддиятлар бошқарилувчан системаларнинг кузатувчанлиги устида кўшимча илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Кечикишли объектлар ҳаракатини ифодаловчи дифференциал-айирмали тенгламалар системаси учун нисбатан кузатувчанлик ва тўла кузатувчанлик тушунчалари киритилади.

Агар  $\phi$  бошланғич функцияни аниқлаш учун чегараланган  $T$  вақтда кирувчи ва унга мос чиқувчи параметрлари етарли бўлса, у ҳолда (7) тенгламалар системаси билан ифодаланувчи чизиқли динамик объект тўла кузатувчан дейилади.

(7) тенгламалар системаси нисбатан кузатувчан бўлиши учун чегараланган  $T$  вақт ва  $A, H$  матрицалардан иборат қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$\text{rang}[(HT), A(HT), \dots, A^{n-1}(HT)] = n$$

Бошқа томондан, техник системаларда кузатувчанликка яқин бўлган идентификация тушунчаси мавжуд. Назарий томондан идентификация кузатувчанликни хусусий ҳоли деб қаралади. Лекин амалиётда идентификация алоҳида махсус йўналиш сифатида олинади.

Диссертациянинг «**Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат роботининг бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш моделининг робототехник тизимларга тадбиғи**» деб номланган учинчи бобида кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли СРнинг технологик қўлланиш характери бўйича ҳаракат моделлари келтирилган. Координатали кечикиш синфига тегишли объектларни ифодаловчи чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектлар учун бошқариш функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш моделини робототехник тизимларга, хусусан СРга қўллаш мумкинлиги исботланган ва қўллаш хоссалари ишлаб чиқилган.

Автоном бошқарилувчи системалар турғунлигини текшириш мезонлари таҳлил қилинган ва улардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли СРнинг асимптотик турғунликка текшириш модели келтирилган. Бундан ташқари, СРнинг технологик қўлланилиш характери бўйича ҳаракат траекториясини турғунликка текшириш моделлари тавсия қилинган.

СР ҳаракатини бошқариш мақбуллаштирилгандан сўнг унинг позицион аниқлиги масаласи иккига ички ва ташқи омиллар бўйича ўрганилган. Функционал-параметрик мослиги текширилган.



Ҳаракати чизикли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи ва бошқарув функциясига боғлиқ СР тенгламасининг кўриниши куйидагича:

$$\ddot{x}(t) = Ax(t-h) + Bu(t) \quad (10)$$

бу ерда  $x = x(t) - n$  – ўлчовли СРнинг  $t$  вақтдаги ҳолат вектори;

$A$  – СРнинг фазовий ҳолатини ифодаловчи  $(n \times n)$  – ўлчовли ўзгармас матрица;

$B$  –  $(n \times m)$  – ўлчовли ҳаракатнинг бир звенодан иккинчи звенога ўтиш эҳтимоллиги матрицаси;

$u(t)$  –  $(1 \times n)$  – ўлчовли системани бошқарув функцияси,  $h > 0$ ,  $-h \leq t \leq T$ .

$h$  – чексиз кичик миқдор.

СР ҳаракатида  $m = n$  деб олинади чунки, СР звенолари ҳаракатда барчаси иштирок этади, деб фараз қилинади.

(10) тенгламани ечиш учун тартиби пасайтирилади ва куйидаги тенгламалар системаси ҳосил қилинади:

$$\begin{cases} \dot{x} = y \\ \dot{y} = Ax(t-h) + Bu(t) \end{cases} \quad (11)$$

Агар  $(x(t), y(t))$  система ҳолати  $0 < t \leq h$  ораликда аниқланган бўлса, у ҳолда  $t > 0$  да  $u(t)$  бошқариш функцияси мавжуд бўлади.

(11) системани оптимал бошқаришда бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш мумкинми? – деган саволга жавоб топиш керак.

(11) система кечикишли объектлар классификациясида координатали кечикишни характерлаганлиги учун СРнинг фазовий ҳаракатида ҳар бир звенонинг бошқарилувчанлигига аҳамият бериш зарур.

СР фазовий мураккаб операцияни амалга оширишида бошқариш функцияси параметрларини мақбуллаштириш учун роботнинг ҳар бир звеноси ҳаракатида бошқариш параметрларини мақбуллаштириш керак бўлади. Яъни, умумий система қисм системаларга бўлинади.

Энди, (11) системанинг 2-бобда берилган теорема шартларини қаноатлантиришини текширайлик.

2-бобда берилган СР ишчи қўли ҳаракатининг кинематик тенгламасини эътиборга олиб, бузилган йўналишни аниқлаш учун ҳар бир звенонинг мос координаталар системаси ўқларидан фойдаланилади. Бузилган йўналиш аниқлангандан сўнг, ҳар бир звенонинг фазовий жойлашиши ҳисобга олинади ва звенонинг ҳаракат матрицаси билан звенонинг фазода жойлашиш радиус вектори  $r_i = r_i(x, y, z, 1)$  иштирокидаги матрица ранги текширилади, яъни  $rank[(A_i, r)]$ . Бу ерда  $A_i$   $i$  – звенонинг ҳаракат матрицаси.

Агар Калман мезони бажарилса, яъни  $rank[(A_i, r)] = 4$  бўлса, бузилган йўналишли  $i$  – звено тўла бошқарилувчан ва унда иштирок этувчи бошқариш функциясини мақбуллаштириш мумкин бўлади.

2-бобда берилган мақбуллаштириш тўғрисидаги теоремани СРга қўллаш жараёнида,  $C_k, B_k$  матрицаларни танлашда  $(n \times n)$  – ўлчовли матрица  $((n+1) \times (n+1))$  – ўлчовли матрица орқали тасвирланиши СР ҳаракатининг кинематик тенгламасидан маълум бўлди.  $C_k, B_k$  матрицаларни кўриниши қуйидагича бўлади:

$$C_k = \begin{bmatrix} C & 0 \\ 0 & 1 \end{bmatrix}, B_k = \begin{bmatrix} B & 0 \\ 0 & 1 \end{bmatrix}.$$

Теореманинг биринчи шартини бажарилиши учун СРнинг техник конструктив характеристикаларидан келиб чиқиб,  $P$  матрица танланади ва  $PB_k = C_k P$  тенгликни қаноатлантириши текширилади.

Иккинчи шарт бажарилиши учун  $A$  матрица хос сонларининг карралилик даражасига қараб, шундай ўлчови  $(n \times k)$  ( $k \leq n$ ) бўлган  $C$  қисм матрица топиладики, теорема шартида берилган системанинг тўла бошқарилувчанлиги текшириш учун  $[(BC), A(BC), A^2(BC), \dots, A^{n-1}(BC)]$  матрицани рангини эмас, балки  $[(B_k C_k), A(B_k C_k), A^2(B_k C_k), \dots, A^{n-1}(B_k C_k)]$  матрица ранги текширилади. Сабаби, робототехник тизимлар бошқа тизимларга нисбатан фарқ қилган ҳолда, тузилмавий мақбуллаштириш нуқтаи назардан қаралса, у ҳолда уч ўлчовли фазода тўртинчи компонент қўшилмайди. Агар мақбуллаштириш параметрик нуқтаи назардан қаралса, у ҳолда тўртинчи компонент қўшилади. СР учун параметрик мақбуллаштириш қаралганлиги учун (4) системанинг тўла бошқарилувчанлигини текширишдаги матрица 2-бобда берилган теорема шартидаги матрицадан фарқ қилади.

(2) тенглик  $A$  матрица элементларини  $C_k$  матрица элементларига бирқийматли акслантиришга эквивалент. Чунки  $B$  матрица  $A$  матрицанинг фазовий ҳолатида ҳаракатни бир нуқтадан иккинчи нуқтага ўтиш эҳтимоллигини ифодалайди.

(3) системага мақбуллаштириш модели тадбиқ қилингандан сўнг унинг турғунлиги қандай бўлади?

Турғунлик–микдор кўринишидаги эмас, сифат характериға эға бўлган ҳаракат хоссасидир.

Маълумки, доимий кечикишли чизикли дифференциал тенгламалар системаси турғун бўлиши учун зарурий ва етарли шарт сифатида характеристик тенгламанинг барча илдизлари координаталар системасининг чап ярим текислигида ётиши керак.

СР ҳаракатини ифодаловчи (11) тенгламалар системаси ечимининг турғунлигини билиш учун унга эквивалент бўлган қуйидаги:

$$\dot{y} = Ay(t-h), h > 0 \quad (12)$$

тенглама ечимини турғунликка текшириш керак бўлади.

$h$  нинг ( $h > 0$ ) етарлича кичик қийматларида (12) тенглама ечимининг турғунлиги қуйидаги тенглама ечимининг турғунлиги билан эквивалент:

$$\dot{y} = G(h)y(t), G(h) = Ae^{-hG(h)} \quad (13)$$

$G(h)$  матрицани  $h$  бўйича қаторга ёйиб топиш мумкин.

$$G(h) = A - hA^2 - \frac{h^2}{2}A^2 + O(h^2)$$

$G(h)$ нинг топилган қийматлари (13) тенгламалар системасига қўйилади ва система ечилади.

$h$  нинг ( $h > 0$ ) етарлича кичик қийматларида (13) тенгламалар системаси асимптотик турғун бўлади.

Асимптотик турғунлик тушунчаси Ляпунов маъносидаги турғунликка нисбатан тор тушунча. Агар система асимптотик турғун бўлса, у Ляпунов маъносида турғун бўлмаслиги мумкин.

Позицион аниқлик СРнинг муҳим характеристикаларидан биридир. У технологик жараёни бажариш учун СРдан фойдаланиш имкониятини аниқлайди. Амалда СР технологик операцияни амалга оширишида ушлаш қурилмаси берилган ёки режалаштирилган нуқтада тўхтамайди, балки шу нуқта атрофида тўхтайдди. СРнинг ушлаш қурилмасининг бу четлашиши позицион хатолик ёки позицион оғишганлик дейилади.

СРнинг позицион аниқлигини ошириш учун қуйидагича ёндошувни қарайлик.

СР технологик модул таркибида детал билан ҳаракатланганда идеал ҳолдаги траекторияга нисбатан оғишиш кузатилади. Бу оғишиш фазода эллипсоидни ифодалайди.

Робот технологик модул таркибида детал билан ҳаракатланганда  $\Omega$  йўналтирувчи текислик тушунчаси киритилади. Бу аниқ кўринишини тасвирлаш учун йўналтирувчи  $\Omega$  текислик эллипсоид кўринишида эмас, балки шар кўринишида олинади, сабаби робот детал билан ҳаракатланганда фазовий манипуляция вақтида детал ҳаракати шарга ички чизилади.

Роботнинг иш зонаси параллелепипед кўринишида бўлади. Лекин аниқликни янада ошириш мақсадида ҳажми параллелепипеддан кичик бўлган цилиндр олинади

Маълумки, шар фазода сфера тенгламаси билан ёзилади:

$$\Omega: x^2 + y^2 + z^2 = 1.$$

Цилиндр тенгламаси

$$R: \frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1, \quad z = h.$$

Сфера ва цилиндр ўзаро кесишишиб, ечим ҳосил қилиши учун улар ягона система остида биргаликда ечилади.

Агар система ягона ечимга эга бўлса, у ҳолда СР детални белгиланган жойга қўя олади. Акс ҳолда, йўналтирувчи ва қамраб олувчи текисликлар кесишмайди.

СРнинг позицион аниқлигига қаршилик қилувчи нафақат, ички омиллар, балки ташқи омиллар ҳам мавжуд. Масалан, оғишганликни асосий сабабларидан СР звеноларини тайёрлашда технологик ноаниқлик, кинематик занжирларни уланиш жойидаги бўшлиқлар (зазорлар), алоҳида тугунларни

йиғишдаги хатолик, бошқариш тизими ҳаракатидаги ноаниқлик, эластик (қайишқоқ) деформация ва ҳ.к.


Кинематик звеноларни уланиш жойидаги бўшлиқлар люфт(тор оралик)ларни пайдо бўлишига олиб келади. Бу ўз навбатида нафақат статик, балки динамик хатоликни келтириб чиқаради. Агарда кинематик занжирда бирқанча люфтлар мавжуд бўлса, СР ишини ёмонлаштиради ва позицион хатоликни ошишига олиб келади.

Эластик деформация СР звеноларини эгиловчанлиги натижасида юзага келади. СР ҳаракатида эластик деформация динамикада алоҳида намоён бўлади ва ҳар бир звенода келиб чиқувчи хатолик умумий бажарувчи механизми хатолигини ошишига олиб келади.


Позицион оғишишни аниқлаш учун СР звенолари ҳаракатида бир вақтда таъсир қилувчи ҳар бир юқоридаги хатолик манбасини таҳлил қилишга тўғри келади.

Диссертациянинг «**Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи робототехник тизимлар учун бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш моделининг умумий алгоритми ва унинг тадбиғи**» деб номланган тўртинчи бобида ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кечикишга оид объектларнинг бошқариш функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш модели ва уни конкрет объект сифатида саноат роботига татбиқлари, татбиқий жараёндан кейинги робот ҳаракат траекториясининг турғунлиги, позицион аниқлигини ошириш моделининг алгоритмлари ва дастурий воситаси мазкур бобда қаралган. Бундан ташқари, олинган назарий натажалар асосида яратилган дастурий восита олти звеноли саноат роботига қўллаш амалга оширилган.

Ҳисоб тажрибаларда роботнинг ушлаш қурилмасининг бошқарув функциясининг параметрларини сонини мақбуллаштиришдан олдинги ва кейинги тезлик (1-расм) ҳамда тезланишини келтирамиз (2-расм).



**1-расм. Робот ушлаш қурилмасининг бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштиришдан олдинги (қизил рангда) ва мақбуллаштиришдан кейинги тезлик (кўк рангда).**



**2-расм. Робот ушлаш қурилмасининг бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштиришдан олдинги (қизил рангда) ва мақбуллаштиришдан кейинги тезланиши (кўк рангда).**

Иловада диссертация иши натижаларининг амалиётга қўлланилганлигини тасдиқловчи хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ЭХМ учун яратилган дастурларни расмий рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари келтирилган.

## ХУЛОСА

«Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи саноат роботини мақбул бошқариш усули» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ҳаракати дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи бошқарилувчан автоном тизимларни мавжуд бошқаришдаги камчиликлар ўрганилган. Кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли объектлар ва конкрет объект сифатида саноат роботи ҳаракатини оптимал бошқариш учун бошқариш параметрлари сонини мақбуллаштириш масаласи қўйилган.

2. Кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли ҳаракати чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаловчи объектларни оптимал бошқариш учун бошқарув параметрлари сонини мақбуллаштиришга хизмат қилади.

3. Автоном бошқарилувчи тизимларнинг ва уларнинг дифференциал-айирмали ҳоли учун мавжуд кузатувчанлик хоссаси таҳлил қилинган ҳамда камчилиги аниқланган.

4. Ишлаб чиқилган кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли чизиқли дифференциал-айирмали тенгламалар системаси билан ифодаланувчи объектлар учун бошқарув функцияси параметрлари сонини мақбуллаштириш моделини робототехник тизимларга, хусусан саноат роботига қўллаш имконини беради.

5. Автоном бошқарилувчи системалар турғунлигини текшириш мезонларини таҳлил қилган ҳолда улардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган бўлиб, кечикишга оид объектларнинг координатали кечикиш синфига тегишли саноат роботининг технологик қўлланилиш характери бўйича турғунликка текшириш имконини беради.

6. Саноат роботига мақбуллаштириш модели тадбиқ қилингандан сўнг унинг фазовий мураккаб операциясини амалга оширишида позицион аниқлигини таъминлашга хизмат қилади.

7. Назарий натижалар олти звеноли Arc Mate 100iB/6S роботига тадбиқ қилинган ва зарурий натижалар олинган.

8. Ишлаб чиқилган дастур воситаси «ҚХМКТМ» ҳамда «Integral avtomatika servis» масъулияти чекланган жамиятларда бир хил типдаги деталларга ишлов беришга мўлжалланган ишлов берувчи марказ билан жиҳозланган роботлаштирилган технологик мажмуада қўлланилган ҳамда материал-энергия ресурслар сарфини 10 % камайтиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-  
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИМЕНИ  
МУХАММАДА АЛ-ХОРАЗМИЙ**

**АРОЕВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ**

**ОПТИМАЛЬНЫЙ МЕТОД УПРАВЛЕНИЯ ДВИЖЕНИЕМ  
ПРОМЫШЛЕННОГО РОБОТА, ОПИСЫВАЕМЫМ СИСТЕМОЙ  
ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНО-РАЗНОСТНЫХ УРАВНЕНИЙ**

05.01.02 – Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.3.PhD/T1293

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Онорбоев Баходиржон Очилбоевич**  
доктор технических наук, профессор.

**Официальные оппоненты:**

**Мухамедиева Дилноз Тулкиновна**  
доктор технических наук, профессор.

**Якубжанова Дилфуза Кодировна**  
доктор философии по техническим наукам

**Ведущая организация:**

Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности

Защита диссертации состоится «14» 01 2021 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019 T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «1» 01 2021 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от «1» 01 2021 г.).



**Р.Х. Хамдамов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

**Ф.М. Нуралиев**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., доц

**А.В.Кобулов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировой опыт показывает, что для эффективного управления всеми техническими системами необходимо управлять ими для достижения определенной цели. При математическом моделировании их движения, модели сводятся к системам, зависящим от функции управления, которая выражается дифференциальными уравнениями. Среди этих систем стоит отметить систему линейных дифференциально-разностных уравнений.

Оптимизация числа параметров функции управления объектов, представленных системой дифференциально-разностных уравнений, обеспечивает ускорение процессов, происходящих в управляемых объектах, и экономию затрачиваемых энергоресурсов. Это означает, что на практике большая часть работы производственных объектов основана на использовании системы дифференциально-разностных уравнений, а с теоретической точки зрения, формирование методов управления дифференциальными уравнениями является важным вкладом в теорию управления. Это представляет собой на сегодня одну из актуальных финансово-экономических задач.

В нашей стране были достигнуты значительные результаты в приоритетных областях науки, в том числе и в изучении Теории управления. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особое внимание уделяется решению проблем по созданию эффективных механизмов развития научно-исследовательской и инновационной деятельности, внедрению научных и инновационных достижений.

